

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК  
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК КАФЕДРАСИ

# ***РЕФЕРАТ***

***МАВЗУ:*** «ТОҚ ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ»

Текширди: доцент С.Х.Нарзиева

Топширди: 301-гуруҳ талабаси Ш.Искандаров

Самарқанд – 2013

## **МАВЗУ: ТОК ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ**

**Режа:**

- 1. Токни дарахтларда ўстириш**
- 2. Токни ерда ўстириш**
- 3. Токни ишжомда ўстириш**
- 4. Токни тик симбағазли сўриларда ўстириш**
- 5. Токни хиёбон усулида ўстириш**
- 6. Токни баланд қия суриларда ўстириш**

## 1. Токни дарахтларда ўстириш

Ток лианачирмашиб усувчи усимлик. Табиий равишда урмонларда жингалаклари билан дарахтларнинг шохларига чирмашиб усади, узининг барқарор мустаҳкам скелетига ҳамда аниқ шаклига эга бўлмайди. Очик майдонларда туп шаклида ер багирлаб ёйилиб усади. қадимда одамлар узумнинг мазаси, шифобахшлиги ҳамда чиройи туфайли уз уйларига яқин жойларда устира бошлаганлар ва тиргович сифатида дархтлардан фойдаланганлар. Аммо, бу усулнинг нокулайлиги туфайли ток устиришнинг бирмунча қулай усуллари топишга хара-кат қилганлар. Асосий мақсад, ток тупларини парвариш қилиш ва ҳосил териш учун қулайликлар тугдирадиган усуллари вужудга келтириш бўлган. Узок йиллик изланишлар натижасида ток устиришнинг турли усуллари синаб қурилган.

ҳозирги вақтида ток устиришнинг замон талабларига мос илгор усуллари илмий ва узок тажриба асосида яратилган, такомиллаштирилган. Ток устиришнинг узига ҳос тизими вужудга келтирилган.

Ток устириш тизими дейилганда эндиликда маълум майдонда ток тупларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, усимлик ва тупрокни парвариш қилишда механизатциядан самарали фойдаланиш учун қулай шаротни яратишга хизмат қилувчи ток тупларини жойлаштириш усули тушинилади. Ток туплари учун у ёки бу устириш тизими танланганда факат ток тупининг узигина эмас, балки қатор ва туплар оралиги, тупларга берилган шакл ҳам инобатга олиниши лозим. Шунинг-дек, ток тупларини устириш усули танланаётганда навнинг биологик хусусиятлари (усиш қучи), жойнинг табиий-иклим шароитлари ҳам назарда тутилиши шарт. Масалан, қучли усувчи хураки ва қишмишбоп навлар учун баланд ва кенг сурилар макбул бўлсада, аммо бу ток туплари қишда қумила-диган зоналарда сарф-харажатларни анча қупайтиради ва ток тупларини қишга қумишни қийинлаштиради.

Ток устиришнинг ҳарқандай усули токзорда олиб бориладиган парвариш ишларини, тупрокка ишлов бериш, қасаллик ва зарарқунандаларга қарши қурашиш, ҳосил териш, уни ташиш қаб ишларда механизатциядан унумли фойдаланиш имконини таъминлаши зарур.

Марқазий Осиё, жумладан Ўзбекистонда ток устириш-нинг қуйидаги тизимидан қадимдан ва ҳозирда фойдаланилади.

Токни бундай аймоқи ҳолда устириш қадимдан маълум. ҳозирда ҳам Ўзбекистон (Сурхондарё вилояти), Турқманистон, Грузия, Италия (Болония) нинг қадимий токчилик районларида учрайди. Бунинг учун турли дарахтлар, жумладан, мевали дарахтлар, тут қабилардан фойдаланилган. Гектарига 500 тагача утқазилган бундай дарахтлар ёнига ток, қатор ораларига эса турли сабзавот, ем-хашак, дон экинлари эқилган. Ток тупларининг қуп йиллик ва бир йиллик қисмлари, айниқса барғпоя ҳажми дарахтнинг шох-шаббасига жойлашган бўлади. Агар ток мевали дарахтлар билан бирга эқилган бўлса, дарахт ҳам уз ҳолича устирилади, деярли бир вақтнинг узиде меве ҳамда узум ҳосили териб олинади.

Бирок, ток тупларини кесиш, уларга шакл бериш, хомток, новдалар учини чилпиш, чеканка килиш каби парвариш ишлари, замбуруг касалликларига карши курашиш, хосил териш-нинг мураккаблиги туфайли бу усул кенг жорий килинмаган.

## **2. Токни ерда ўстириш**

Токни сурисиз, ерда ўстиришнинг қадимий усулларида бири. Ўзбекистон (Самарканд, Бухоро, қашқадарё, Сурхон-дарё вилоятлари), Тожикистон, Туркменистон, Арманистон, Озарбайжон, шунингдек, Эрон, Ироқ, Туркия, Сурия каби мамлакатларнинг иссиқ, курук, сув танқис бўлган районларида учратиш мумкин. Бу усулнинг кулланиб келинишининг асосий сабаби ёзнинг иссиқ ва курук бўлиши, налварчилиكنинг булмаслиги, узум бошлари ерга тегиб турганда ҳам гу-жумларининг чиримаслиги, тировичларга эҳтиёж булмаган-лигидир.

Бу усулда ток туплари махсус пушталарга экилади. Пушталарнинг кенглиги 3-3,5 м. олинса ток бир қатор, 6-7 м. олинса икки қатор экилади. Пушталар уртасидан кенглиги 2-2,5 м., чуқурлиги 80-100 см. сугориш эгатлари олинади. Пушталар четига ток туплари 2,5-3 м. оралиқда қатор бўйлаб экилади.

Ток туплари танасиз ёки ерга ёйилиб усадиган 4-6 та занг шакллантирилган холда ариқдан ташқари томонга тараб ўсти-рилади.

Ток тупларини ердан 50-70 см. баландликдаги бағазларга қутариб ўстириш янада яхшироқ ҳисобланади. Бағазлар учи айрили икки жуфт ёғочдан ташкил топиб, айрилар ўстига ингичкароқ бағазлар боғланади. Бу усул узум бошларининг ерга тегмаслиги, шамол аэрациясининг яхшиланиши, маълум даражада замбуруг касалликларига қамроқ чалиниши, умуман ҳосил сифатининг яхши бўлиши учун шароит яратади. Ток туплари қумиладиган булса, унинг факат пишмаган, суст ус-ган қисимларигина олиб ташланади. Қелгуси йил апрел охи-римай ойлари бошларида хомток вақтида қучсиз усган, мевасиз, бачки новдалари олиб ташланади.

Ток ўстиришнинг бу усули бир қатор қамчилиқлар (усув даврида ток қатор ораларини механизация ёрдамида ишлаш, зарарқунанда ва қасаллиқларга қарши самарали курашиш, тупгулларнинг тулик қангланмаслиги, ёш новдалар, тупгуллар-нинг баҳорги совуқда зарарланиши ва х.к.) га қарамасдан бир қатор ижобий тамонларга ҳам эга, яъни, қуп қаражат талаб қилувчи тировчиларга булган эҳтиёж булмайди, чуқур олинган ариқларга қиш ва эрта баҳор ойларида сув қуйиш натижасида усув даврида нам танқислиги сезилмайди, қамроқ суго-рилади, физиологик қараёнлар яхши қечада ва х.к. Қул мех-натини қуп талаб қилгани боис, бу усул билан қатта майдонларда тоқзор барпо қилиш тавсия қилинмайди.

## **3. Токни ишқомда ўстириш**

Қадимги ток ўстириш усулларида бири. Тошкент воҳаси ва Фарғона

водийсида, айникса, томорка богларида куп учрайди. Ишкомда, асосан хураки ва майизбоп навлар устирила-ди. Ишкомда устириладиган ток тупларининг катор оралиги 3,5-5,5 м., туплар ораси 2,5-3,0 м. булади. Ишком учун, асосан, 5-6 м. узунликдаги тол шохларидан поя тайёрланади. Поя каторларнинг икки томонига ток тупидан 0,5 м. кочириб ерга кадаб чикилади. Иккала томондаги поялар эгилиб, бир-бирига боғланади. Ишкомнинг баландлиги 2,5-3,0 м. килинади. Ерга кумилган пояларга кундалангига 0,8-1 м. ораликда ёғоч поя ёки сим бағаз боғлаб чикилади. Натижада ишком хосил була-ди. Бунда иккита ишком орасида жойлашган ток новдаларининг ярми бир томонга, иккинчи ярми иккинчи томонга таралиб бағазларга боғланади. Ишкомнинг камчилик томони: механизация ёрдамида ерга ишлов бериш, касаллик ва зараркунандаларга карши курашиш анча мушкул. ҳар уч-турт йилда ишкомни куриш, уни вақт-вақти билан янгилаб туриш куп меҳнат ва материални талаб килади. Уни кичик майдонлар ва томорка ерларида кулаш мумкин. Ишкомнинг такомиллашган усуливишдан фойдаланилади. Шунингдек, ток туплари кия ва ётик суриларда ҳам устирилади.

#### **4.Токни тик симбағазли сўриларда ўстириш**

Ток ўстиришнинг энг куп таркалган замонавий усули. Дунё буйича катта майдонлардаги саноат аҳамиятга эга булган токзорлар, асосан шу усулда ўстирилади. Бунда асосий таянч сифатида асосий ва оралик усутунлар (темир-бетон усутунлар) ва уларга тортилган 3-4 катор симлар хизмат килади.

Ток катор ораларининг масофаси токчилик зонасига (ку-миладиган ва кумилмайдиган, сугориладиган ва сугорилмай-диган ёки шартли сугориладиган лалми ерлар), тупрок унумдорлиги, ток ўстириш ва унга шакл бериш усуллари (елпи-гичсимон, паст, уртача ва баланд танали), шунингдек, бир ка-тор ташки муҳит ва тупрок шароитларига боғлиқ.

Ток тупларининг катор буйлаб оралиги эса, асосан тупларнинг усииш кучи ҳамда ток ўстириш шароитларига караб белгиланади. Токни тик симбағазда ўстиришнинг асосий характерли томони усимлик танаси, новда ва зангларини симбағазларга кутариб, текис боғлаб жойлаштириш хисобланади. Бу эса, ток катор ораларига механизация ёрдамида ишлов бериш, угит солиш, сугориш арикларини олиш, касаллик ва зараркунандаларга карши курашиш, ток тупларини кишга кумиш ва баҳорда очиш, хосил ташиш каби ишларни самарали амалга ошириш учун имкон яратади. Мана шундай ижобий томонлари туфайли у кенг таркалган. Шунга карамасдан бу усул айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунончи, ток туплари танасиз ва паст танали тарзда ўстирилганда унинг тик жойлашган баргпоя массасининг калинлашиб кетиши туфайли усимлик ёруғликдан тулик фойдалана олмайди ва окибатда фотосинтез жараёни бир кадар сусайиб органик моддаларни хосил килиши хусусяти камаяди. Ўзбекистон шароитида худди шундай усулда ўстириладиган токзорлар купрок учрайди. Аммо, усув даврининг узунлиги, ёруғ кунларнинг куплиги, куёш

радиациясининг бошка регионларга нисбатан кучлилиги усимликларда физиологик жараёнлар, хусусан, фотосинтезнинг нормал кечишига купда монелик килмайди.

Куп йиллик илмий тадқиқотлар натижаси, маҳаллий ва чет мамлакатлар, шунингдек, илгор хужаликлар тажрибаларини урганиш асосида тик симбагазларнинг соябонли, икки томонли каби янги хиллари ишлаб чикилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда, шунингдек, Кавказ ортининг жанубий, Россиянинг айрим районларида соябонли тик симбагаз ривож топган. Бу усулда, айниқса кучли усувчи хураки ва кишмишбоп навлар купрок устирилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бунда оддий тик симбагазга нисбатан токнинг баргпоя қисми купрок майдонда эркин жойлашади, тупларнинг ёруғликдан фойдаланиш коэффиценти купаяди, мул ва сифатли ҳосил етиштириш учун қулай шароит вужудга келади.

Кейинги йилларда Я.И. Потапенко номидаги Умумроссия узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти (Ш.Н.Гу-сейнов) томонидан токни симбагазда устиришнинг (Россия Федерациясининг ток кумилмайдиган минтақалари учун) янги, симбагазларни урнатиш учун капитал маблаг сарфланмайдиган, тоқларни баланд танали қилиб устиришга нисбатан кам маблаг сарфланиб, мул ва сифатли ҳосил етиштириш имконини берадиган усули ишлаб чиқилган. Бунда 1 гектар тоқзорга 6,5-11 мингтагача ток туплари жойлаштирилиб, уларга 1 м. тана баландлигида қичик косасимон шакл берилади, новдалари қалта кесилади. Новдаларнинг 1 га. даги юқламаси (нагрузкеси) 130-200 мингга ташқил этади. Дастлабки йилларда тупларга шакл беришда улар ёнига қозикдан таянч қуйилади, ёнидаги тупларда ҳам «қуллар» шақилланиб бўлингач, улар бир-бирига маҳкамланади ва кейинчалик таянчқозикка зарурийат қолмайди. Бу усул тоқдан 200-250 ц.гача ҳосил етиштириш имконини бериши қайд этилган.

Келажакда Ўзбекистоннинг ток туплари кумилмайдиган жанубий районларида бу усулни синаб қуриш ва тасдиғини топгач, уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш масаласини ққриб қичиш лозим.

## **5.Токни хиёбон усулида ўстириш**

Қатта майдондаги тоқзорлар, илмий тадқиқот муассасалари, дам олиш масканлари ҳудудларини ташқиллаштириш вақтида магистрал, кварталлараро йуллар бўлиши инобатга олинади. Бу йуллардан тоқзор хиёбонларини ташқил этишда самарали фойдаланиш мумкин. Улар ҳудудга қурқ беришдан ташқари, қушимча узум ҳосилини олиш имконини беради, қиройли манзара ҳосил қилади. Айниқса, Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида одамларни қучли қуёш нуридан сақлай-ди, уларнинг руҳини қутаради, шунингдек, бундай хиёбонлар одамларнинг қордиқ чиқариш жойига айланиб, турли учрашув ҳамда тадбирларни утқазиш учун қизмат қилади. Айниқса, бундай хиёбонлар академик Р.Р.Шредер номидаги Богдорчи-лик, узумчилик ва виночилиик илмий ишлаб чиқариш

корпорациясида, униинг Самарканд филиалида яхши ташкил топган. Э.Т.Тулаев томонидан хиёбонларнинг узига хос турли куринишдаги хиллари яратилган. Хиёбонларнинг хар 100 м. дан 100-120 ц. сифатли узум хосили олиш билан бирга, улардан халкаро сипозиумлар, конгресслар, анжуманлар утказиш-да фойдаланилаётир.

Майдон худудини ташкиллаштиришнинг хусусиятлари, колдирилган йулар кенглиги, хиёбонлар ташкил килиш учун хужаликдаги мавжуд материаллар (металл, ёгоч ва х.к.) га ка-раб уларнинг кандай хилини куриш белгиланади. Хиёбонларни куришда уларнинг баландлиги ва кенглиги кишлок хужа-лиги, хусусан, токчиликда ишлатиладиган автомашиналар, тракторлар ва бошка техникаларнинг бемалол утишига монанд булиши лозим. Ток туплари хиёбонларнинг икки четига 2,5-3 м. ораликда экилади. Нав танлашда, асосан узум бошлари катта, гужумлари чиройли хураки навларга эътибор берилади. Узум пишгандаги гузал манзара кузни кувонтириш билан бирга, инсон руhini тетиклаштиради.

## **6.Токни баланд кия суриларда ўстириш**

Ўзбекистоннинг Тошкент, Сирдарё, кашкадарё, Самарканд вилоятлари, Фаргона водийсида, шунингдек, Испания, Италия, Франция, Аргентина, Чили каби мамлакатларда учрайди. Бу усулда Ўзбекистонда, асосан узумнинг хураки нав-лари устирилиб, у купрок хонадонларда кулланилади. Ток биологияси нуктаи назаридан бу усул бир катор афзалликларга эга: тупнинг асосий кисми катта майдонни эгаллайди, усимлик ёругликдан самарали фойдаланади, новдалар ётик тарзда жойлашиши туфайли озик модалар бир меёрда таксим-ланади, генератив органлар яхши ривожланади, хосил мик-дори ва унинг сифати ошади. Аммо сурунинг баландлиги, ток тупининг жадал ривожланиб, катта майдонни эгаллаши бир катор кийинчиликларни хам тугдиради: асосий новдалар сури-нинг тепа ётик кисмида ривожланиб, пастки кисмида кам бу-лади, парвариш ишлари (хомток, новдалар учини чилпиш, ка-саллиликларга карши курашиш, чеканка ва х.к.), хосил теришда кийинчиликлар тугилади.Шунингдек, бу усулда сури куриш учун куп материал (ёгоч ёки темир устунлар, ёгоч ва сим поялар, боглов материаллари) талаб килинади, тупрокка ишлов бериш, угитлаш каби агротехника тадбирлари, асосан кул меҳнати билан бажарилади.

Ток тупларини кия суриларда устириш кадимдан маълум. Масалан, Самарканд вилоятида туплар ерга якинрок килиб урнатиш (70-100 см.) ёгоч багазларга ёткизилади. Фаргона водийсида эса устунлар 2-2,5 м. баландликда 3,5-4 м. оралик-да урнатилиб, сури кия кисмига поялар мустахкам боғланади. Бу усул халк тилида «воиш» номи билан маълум. Хонадонларда эса суриларнинг турли такомиллашган (аймоки) хилларидан фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Мирзаев М., Темуров Ш. Мевачилик ва узумчилик. Т.: 1977.
  2. Мирзаев М., Темуров Ш. Бог ва токзор агротехникаси. Т.: 1978.
  3. Мирзаев М.М. Виноградарство предгорно-горной зоны Узбекистана. Т.: 1980.
  4. Мержаниан А.С. Виноградарство. М.: 1967.
  5. Негруль А.М. Виноградарство. М.: 1956.
  6. Негруль А.М. Виноградарство и виноделие. М.: 1968.
  7. Пелях М.А. Справочник виноградаря. М.: 1971.
  8. Плодоводство и виноградарство с основами интенсификации. Киев, 1984.
  9. Рыбаков А.А., Острохова С.А, Мевачилик ва узумчилик. Т.: 1964.
  10. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. Виноградарство. Т.: 1988.
  11. Смирнов К.В., Калмыкова Т.И., Морозова Г.С. Виноградарство. М.: 1987.
  12. Смирнов К.В., Малтабар Л.М., Раджабов А.К, Матузок Н.В. Виноградарство. М.: 1998.
  13. Турсунов Т., Темуров Ш. Шур ерларда ток устириш. Т.: 1972.
  14. Юсупов Х.С., Кац Я.Ф., Преображенский А.А, Журавель М.С. Узбекистон узумлари. Т.: 1960.
  15. Узбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган кишлок хужалик экинлари Давлат Реестри. Т.: 20012.
- www.agro.uz  
www.samqxi.uz